

болган болса, 2016-жылы Нөкис қаласында 11 автотастырылған телефон станциясы 35878 қуатқа ийе телефонлар халыққа хызмет көрсеткен. Олардан, «Коском», «Узбек Мобайл» «Билайн» байланыс қарханалары иске түсіп, байланыс көлемі рауажланып атыр.

Нөкис қаласында 2013-2014 финанс хәм кредит тарауында көрсетілген мағлыұматларда, жергиликли бюджет дәрәмат 2013-жылы 71787,7 млн сұм болған болса, 2014-жылы 41318,0 млн сұм көрсеткішке ийе болып табылады. Анализлеп қарағанымызда 2013-жыл, 2014-жылды салыстырып қарағанымызда 57 % болған. Соннан субвенция млн сұм есабынан 2013-жыл 47763,3, 2014-жыл 54546,5 млн сум болған, салыстырамыз 114,2 % и қураған. Жергиликли бюджетти алып қарайық, сол дәуірде өлшеу бирлиги 2013-жылғы январь айы қалаты менен қарайық, 7231,9 млн, 2014-жылғы қалат 95864,6 млн сұм болған. Усы көрсеткішти анализлеп қарағанымызда 132,9 % и қураған [9].

Сол дәуірде зыян көрген қарханалар саны бирлик есабында 2013-жылы 6, 2014-жылы 6 бирлик есабында болған, болса усы қарханалардың зыян көрген суммасы

млн сум есабында 2013-жылы 12024,7 млн сұм, 2014-жылы 10248,0 млн болған, улыұма 85,2 % екенлиги дәлиленген.

Жуұмақалап айтқанда, Қарақалпақстан Республикасының, соның ишинде Нөкис қаласының базар экономикасына өтиу шараятында ең әхмийетли оптималь комбинациялық хәрәкет айырықша әхмийетке ийе. Нөкис қаласында, микроэкономикалық жобаластыру бойынша, социал-экономикалық хәм басқа тарауларда алып барылған реформаларға биз жоқарыда көрсетілген мағлыұматлар дәлил бола алады.

Нөкис қаласында әмелге асырылып атырған экономикалық реформалар нәтижесинде микроэкономикалық тұрақлылық хәм экономикалық тармақлардың баланысы, экономикалық өсиу көлемі орташа есапта Нөкис қаласы орташа 5-7 % и пайда еткен. Нөкис қурамалы түрде өзгерислер хәм экономика тармақларын диверсификациялау белесенди инвестициялық сиясат, техника тарауын модернизациялау бойынша санаатты рауажладыру бүгинги күннің машқаласы болып табылады.

Әдебиятлар

1. Нөкис қаласының социал-экономикалық рауажланыуының мәселелери. / «Нөкис хакыйкаты», 1991, 31 – январь.
2. Қарақалпақстан Республикасының жыллық статистикалық топламы (1991-2016). –Нөкис: 2017, 20-б.
3. Есназарова З. История города Нукуса периода независимости (1991-2005 гг) . -Нукус: «Қарақалпақстан», 2014.
4. Текущий архив городской хакимият папка 20. 1990-1992. Лист 96 .
5. АЖК РК. Ф.35.оп.3.л.55.
6. Есназарова З. Нөкис қаласының тарийхы. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 2020, 85-б.
7. Архив Жоқарғи Кенеса РК.Ф.30.Оп.22.Д.378.ЛЛ.55,100.
8. Текущий архив хакимията г. Нукуса за 2001 год. Приказ № 72/5.
9. Текущий архив городской хакимият папка 2013-2014 Лист 100 лист.

РЕЗЮМЕ

Мақола Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидағи, яғни, 1991-2014 йиллар давридағи Қарақалпақстан Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққийетининг муҳим мисоли ҳисобланған Нукус шаҳрининг ушбу давр орасидағи ижтимоий ривожланиш даражасини таҳлил қилишга бағишланған. Тарихий таҳлил борасида муаллиф тарафидан пойтахтимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққийетига шаҳримиз саноат қорхоналарининг, муассаса ва ташкилотларнинг халқимиз турмуш даражасини бундан буён яхшиланишига қўшқан ҳиссаси атаб кўрсатилған. Ушбу муқаддас ишни амалга ошириш борасидағи дастлабки қийинчиликларни ифодалаб берувчи объектив ва субъектив омиллар расмий ҳужжатлар асосида очиб берилған. Мақолада давр қийинчиликларини бартараф қилувчи илождар-иқтисодий ислохотларнинг турмушга оширилишида ва унда маъмурий органларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари кўрсатилған.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена анализу социального развития Нукуса за тот период, который является важным примером социально-экономического развития Республики Каракалпакстан в первые годы независимости, то есть за период 1991-2014 гг. В историческом анализе автор указывает на вклад промышленных предприятий, учреждений и организаций города в дальнейшее повышение уровня жизни нашего народа и в социально-экономическое развитие нашей столицы. Объективные и субъективные факторы, которые характеризуют первоначальные трудности при выполнении этой работы, раскрываются в официальных документах. В статье описаны актуальные задачи административных органов и субъектов хозяйствования в реализации экономических реформ, которые способствуют преодолению трудностей периода.

SUMMARY

The article is devoted to deep analysis of the state of the social-economic development of the Republic of Karakalpakstan on the example of the city Nukus at the early period of Independence in 1991-2014. As the main social-cultural and political-economic centre our capital has always been the important key-point of all successes in wellbeing of our people. Historically analyzing the situation the author points to the objective and subjective factors which accompanied industrial enterprises, establishments and organizations of the city of Nukus in their beneficial duties of raising the social-economic level and well-being of the whole population of the capital, confirming the facts by official documents with a great historical importance. The author of the article described the important issues of administrative bodies and farming subjects in the realization of economical reform that help to overcome the difficulties of the period.

ИНҚИЛОБИЙ ТРИБУНАЛ СОЛИҚ БЎЛИМИНИНГ ҚАТАҒОН СИЁСАТИ

Д.П.Комолов - тарих фанлари номзоди

Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси, Тарих институти

Таянч сўзлар: адлия халқ комиссарлиги, совет ҳокимияти, декрет, фавқулодда суд, сайёр суд мажлиси, жиноят, қамок, жарима, ўлим жазоси.

Ключевые слова: наркомат юстиции, советская власть, указ, чрезвычайный суд, передвижное судебное заседание, преступление, лишение свободы, штраф, смертная казнь.

Key words: people's commissariat of justice, soviet power, decree, emergency court, mobile court session, crime, imprisonment, fine, death penalty.

Долзарблиги. Суд ҳокимияти чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-хуққ тизимини ислоҳ қилиш соҳасидағи давлат сиёсатининг асосий устувор ўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев шундай таъкидлаган эди: “Конституция-мизда олий қадрият сифатида белилаб қўйилган инсон

ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини албатта барчамиз яхши тушунамиз” [1:10]. Ҳозирги кунда мамлакатимизда суд ислохотлари жадаллик билан олиб борилаётган бир даврда совет ҳукмронлиги давридағи суд сиёсатини таҳлил қилиш, суд идоралари фаолиятини холис баҳолаш, унинг мақсад ва

вазифаларини тадқиқ этиш тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақола доирасида мавзуга доир цивилизацион, тарихийлик ва ҳолисона ёндашув орқали совет ҳокимияти томонидан ташкил этилган инқилобий трибуналлар ва уларнинг фаолияти ёритилди. Шунингдек мақолада қиёсий таҳлил ва тизимли ёндашув методларидан фойдаланилди. Бу катта ҳажмдаги манбаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берди. Тарихийлик, объективлик методларига амал қилинганлиги мураккаб, зиддиятли жараёнларни очиқ бериш ва воқеаларни ҳолис баҳолашга хизмат қилди.

Тадқиқот натижалари: Туркистонда большевиклар ҳукумати амалга оширган мустамлакачилик сиёсати совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Совет халқ судлари бундай шароитда мустабид тузум ҳавфсизлигини таъминлашга ожизлик қиларди. Шу боис, ҳар қандай қаршилиқ ҳаракатини шафқатсиз жазолайдиган, ғавқулодда кенг ваколатлар берилган судларни ташкил этишни совет ҳокимияти ўз мақсадига эришишнинг бирдан бир чораси деб билди. Ана шу асосда инқилобий трибуналлар ташкил топди.

1917 йил 24 ноябрда РСФСР ХКС қабул қилган суд ҳақидаги биринчи декретда инқилобий трибуналлар ташкил этиш кўрсатиб ўтилган эди. Инқилобий трибунал судловига совет ҳокимиятига қарши ҳаракат, ҳокимиятга бўйсунмаслик, буйруқларни бажармаслик, давлат хизматчиларининг лавозимини суистеъмол қилиши, чайқовчилик ва савдогар-саноатчиларнинг фаолиятига оид жиноятларни кўриш кирган [2].

Бутунроссия Ғавқулодда комиссияси (ВЧК) раиси Ф.Дзержинский 1918 йил 16 январда Тошкентга телеграмма орқали мурожаат қилиб, аксилинқилобий ҳаракатларга қарши кураш олиб борадиган ғавқулодда суд идораси тузишни буюрди. Бу масала Тошкент Советида кўриб чиқилиб, «Тошкент инқилобий трибунали тўғрисида»ги Низом қабул қилинди. Ушбу низомга асосан, 1918 йил 21 февралда Туркистонда дастлабки трибунал суди ташкил топди [3]. Унинг раиси этиб большевик В.Вотинцев сайланди. Тошкент андозасидаги трибуналлар Туркистоннинг барча вилоят ва шаҳар советлари томонидан тузишга киришилди. Жумладан, 1918 йил 5 мартда Ашхабодда инқилобий трибунал иш бошлади [4].

Инқилобий трибунал совет ҳокимияти ва бошқарув тизимига қарши қаратилган жиноятларни кўриши лозим бўлса-да, амалда халқ судларига тегишли ишни ҳам судловига қабул қилаверган. Бундан ташқари, ушбу маҳкамалар қабул қилган ҳукмлар адолатсиз бўлиб, уларни тўхтатиш, бекор қилиш ёки қайта кўрадиган кассация инстанция судини тузиш трибуналлар ҳақидаги низомда кўрсатиб ўтилмаган эди [5:128].

Туркистонда совет ҳокимияти республика аҳамиятига молик оғир сиёсий жиноятларни кўриш учун Олий инқилобий трибунал ташкил этишни зарур деб ҳисоблади. Натижада, 1918 йил 14 сентябрда Туркистон АССР МИҚ «Олий инқилобий трибунал тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида декрет қабул қилди.

Низомда Олий инқилобий трибуналнинг раис, раиснинг икки ўринбосари ҳамда уч нафар аъзодан иборат таркиби Туркистон АССР МИҚ томонидан сайланиши ва номзодлар Туркистон Коммунистик партиясининг аъзолари бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган эди. Олий инқилобий трибуналнинг биринчи раиси этиб коммунист К.Е.Сорокин сайланди.

1919 йил 6 майда Туркистон АССР МИҚ «Туркистон Олий инқилобий трибунали тўғрисида» ҳамда «Вилоят инқилобий трибуналлари ва унинг бўлимлари тўғрисида» деб номланган 2 та янги низом-

ни қабул қилди [6].

«Вилоят инқилобий трибунали ва унинг бўлимлари ҳақида»ги иккинчи низомга мувофиқ маҳаллий трибуналлар тугатилиб, ҳар бир вилоятда вилоят трибунали тузилди. Янги Бухоро ва Петро-Александровскда вилоят мақомидаги трибунал тузилиб, уларга Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги рус аҳолисининг аксилинқилобий ҳаракатларини кўриш вазифаси топширилди. Аҳолиси 200 мингдан ошган шаҳарларда Адлия халқ комиссарлиги Олий инқилобий трибунал билан келишган ҳолда вилоят инқилобий трибунаlining бўлимларини ташкил этиши кўзда тутилган эди [7].

Вилоят инқилобий трибунаlining таркиби раис, раис ўринбосари ва уч аъзодан иборат бўлиб, вилоят ижроия кўмитаси томонидан уч ойга сайланган. Вилоят трибунали тегишли ҳудуддаги совет ҳокимияти ва бошқарув тизимига қарши қаратилган ишларни кўрган ва РСФСР номидан ҳукм чиқарган.

Маълумки, октябр тўнтаришига қадар мустамлака Туркистонда асосий қишлоқ хўжалик экинчи сифатида пахта етиштиришга эътибор қаратилиб, истеъмол учун зарур ғалла Россиядан келтирилар эди. Россияда фуқаролар урушининг авж олиши муносабати билан ғалла келтириш тўхтаб, аксинча, Туркистондан энг сўнгги заҳиралар ҳам олиб кетилиши натижасида, очарчилик бошланган эди. Мана шундай вазиятда ҳам РСФСР ҳукумати Туркистонни талашда давом этди.

1921 йил 15 августда Бутунроссия Марказий Ижроия Кўмитаси озиқ-овқат ва бошқа маҳсулот солиғини тўламаслик ҳолатларини аксилинқилобий ҳаракатга тенглаштириб, бундай ҳаракатларни жазолаш учун инқилобий трибуналлар қошида солиқ бўлими ташкил этиш тўғрисида декрет қабул қилди [8]. 1922 йил 4 январда Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги инқилобий трибуналларга озиқ-овқат солиғини тўламаган фуқароларни дастлабки терговсиз айблаб, ҳукм чиқариш тўғрисида кўрсатма берди [9]. Шунга асосан, 1922 йил январ-март ойларида Туркистон АССР вилоятларида бир қатор сайёр суд мажлислари ўтказилиб, уларда озиқ-овқат солиғини тўламаган шахслар жазога тортилди. Сирдарё вилоят инқилобий трибунали Авлиёота, Чимкент, Перовский ва Тошкент уездларида; Самарқанд вилоят инқилобий трибунали Каттакўрғон ва Жиззах уездларида; Фарғона вилоят инқилобий трибунали Фарғона, Андижон ва Наманган уездларида; Еттисув вилоят инқилобий трибунали Пишпак, Жаркент ва Лепсинск уездларида сайёр суд мажлисларини ташкил этди. Жумладан, Сирдарё вилоят инқилобий трибунаlining Ступин раҳбарлигидаги сайёр мажлиси 1922 йил 14 мартда Тўлқибой волостида озиқ-овқат солиғини тўламаган 33 нафар шахснинг ишини кўриб чиқиб, 8 кишига белгиланган солиқнинг икки баробари, 20 кишига уч баробари, 5 кишига эса беш баробари миқдорида жарима солди [10]. Суд қарорида агарда улар жаримани вақтида тўламаса, бир йилга қамоқ жазоси берилиб, барча қўчмас мулкларини мусодара қилиниши кўрсатиб ўтилган эди.

Сирдарё вилоят инқилобий трибунаlining сайёр мажлиси 1922 йилнинг биринчи чорагида жами 76 та иш юзасидан 448 кишини айбдор деб топиб, улардан 315 нафарига белгиланган солиқнинг икки баробари миқдорида жарима солиш, 20 нафарининг эса мол-мулкни мусодара қилиш ҳақида қарор чиқарди [11:11].

Деҳқонлар очарчилик ва қурғокчилик натижасида солиқни тўлай олмайдиган бир шароитда, бир бурда нонга муҳтож деҳқон оиласига мавжуд солиқни 3-5 баравари миқдорида тўлаш ҳақида суд қарорининг чиқарилиши мантиққа зид ҳолатдир. Натижада, уларнинг хўжаликлари бор-буди билан давлат ҳисобига мусодара қилиниб, ўзлари эса озодликдан маҳрум

этилган. Бу эса бутун бошли оилаларнинг кирилик кетишига сабаб бўлган. Масалан, Самарқанд вилоятининг Полвонарик волостида яшовчи Улбозор Бекмуродова вилоят инқилобий трибуналига шундай мурожаат қилган эди: «Мен Сиздан турмуш ўртоғимни жазодан озод этишингизни илтимос қиламан. Бизнинг оилада бошқа эркак киши йўқ. Вояга етмаган фарзандларим эса юкумли касаллик билан оғриган. Мен мусулмон аёл сифатида тажрибасизман. Сиз бу ёрдамнингиз билан бутун бошли оилани ошқора фалокатдан сақлаб қолган бўласиз» [12].

Хукуматнинг аҳолидан зўрлик билан озиқ-овқатни тортиб олишга қаратилган чора-тадбирлари беғуноҳ инсонларнинг жазога тортилиши ва ночор оилаларнинг кирилик кетишига сабаб бўлади.

Инқилобий трибуналлар жазо қўллашда кенг ваколатларга эга эди. Дастлаб 1918 йил январда тасдиқланган «Тошкент инқилобий трибунали тўғрисида»ги Низомда трибунал маҳкумга нисбатан жарима солиш, озодликдан маҳрум қилиш, Тошкент шаҳридан чиқариб юбориш, халқ душмани деб эълон қилиш, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш каби жазо чораларини қўллаш мумкин эди [13]. 1919 йил 14 майда қабул қилинган яна бир ҳужжатда инқилобий трибуналлар қўллайдиган жазолар кескинлашиб, уларнинг сони 9 турга етади. Трибуналлар маҳкумини олий жазо – ўлимга ҳукм қилиши мумкин эди [14:30].

«Туркистон АССР жиной қонунчилигининг устувор асослари» деб номланган дастлабки қонулар тўпламида кўрсатиб ўтилганидек, маҳкумини ўлим жазосига фақат инқилобий трибуналлар ҳукм қилиши мумкин бўлиб, халқ судларига бундай ваколат берилмаганди [15].

Совет ҳокимиятига қарши курашнинг кучайиши муносабати билан инқилобий трибуналлар кўрган ишлар сони ҳам ошиб борган. Буни қуйидаги статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, 1922 йилнинг дастлабки уч ойида Туркистон АССР вилоят инқилобий трибуналларига 776 та иш келиб тушган бўлса, кейинги чоракда улар сони 1055 тага етган. Бутун йил давомида эса 3404 та ишдан 2772 таси кўриб чиқилган. Айбдор деб топилганларнинг 68 нафари олий жазога ҳукм қилинган [16:7-8].

Россияда фуқаролар уруши тугаганидан сўнг давлат

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: «Ўзбекистон» 2017, 47-б.
2. История законодательства СССР и РСФСР по уголовному процессу и организации суда и прокуратуры 1917-1954 гг. Сборник документов. – М.: Госюриздат, 1955. – С. 31.
3. Тошкент вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 234-иш, 8-варақ.
4. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Сборник документов. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1947, –С.132.
5. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Сборник документов. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1947, –С. 132.
6. Положения о Верховном ревтрибунале. / Известия. –Ташкент: 1919, 20 мая.
7. Положения об областных ревтрибуналах и отделах на местах. / Известия. – Ташкент: 1919, 20 мая.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 204-иш, 4-варақ.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 270-иш, 29-30-варақлар.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 302-иш, 154-варақ.
11. Стипрайс Н. Обзор деятельности областных революционных трибуналов Туркеспублики // Бюллетень ЦСУ Туркестанской Республики. –Ташкент: 1922. № 27. -С.11.
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 58-иш, 29-варақ.
13. Ташкентский ревтрибунал. / Наша газета. –Ташкент: 1919, 20 января.
14. Инструкция для революционных трибуналов о порядке производства дел // Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики. –Ташкент: 1919, № 2. -С. 30.
15. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 317-иш, 2-5-варақлар.
16. Стипрайс Н. Обзор деятельности областных революционных трибуналов Туркеспублики // Бюллетень ЦСУ Туркестанской Республики. –Ташкент: 1922. № 27. – С. 7-8.
17. История законодательства СССР и РСФСР по уголовному процессу и организации суда и прокуратуры 1917–1954 гг. Сборник документов. – М.: Госюриздат, 1955, –С. 636.
18. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Р-343-фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 28-варақ.
19. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Р-343-фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 31-варақ.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Туркистон АССР ҳудудида совет ҳокимияти томонидан экстремал шароитларда ташкил этилган инқилобий трибуналларнинг иқтисодий соҳадаги қатағон сиёсати кенг турдаги тарихий ҳужжатлар асосида ёритиб берилган. Шунингдек,

инкилобий трибунал фаолиятида зиддиятлар авж олгани ҳамда тизимда анархия ҳолати ҳукм сургани очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается экономическая политика подавления революционных трибуналов, созданных советскими властями на территории Туркестанской АССР в экстремальных условиях на основе широкого спектра исторических документов. Выявлено также наличие конфликтов в деятельности революционного трибунала и анархии в системе.

SUMMARY

This article describes the economic policy of repression of the revolutionary tribunals established by the Soviet authorities in the territory of the Turkestan ASSR in extreme conditions on the basis of a wide range of historical documents. It was also revealed that there were conflicts in the activities of the revolutionary tribunal and anarchy in the system.

**БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЙ МЕРОСДАН
ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

К.Камолова – тадқиқотчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: маънавий мерос, юксак маънавият, баркамоллик, "Авесто", мутафаккир.

Ключевые слова: духовное наследие, высокая духовность, совершенство, "Авесто", мыслитель.

Key words: spiritual heritage, high spirituality, perfection, "Avesto", thinker.

«Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир. Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз» [1:89].

Шавкат Мирзиёев

Мамлакатимиз ташлаётган ҳар бир қадам, амалга оширилаётган ҳар бир ислохотлар замирида баркамол авлод орзуси мужассам. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, ақлу заковати, жисмоний ва маънавий камолот, ҳаракат ва интилишлари эзгу мақсадларининг бош омилидир. Шундай экан, Ўзбекистонни янада обод, халқимизни бахтли-саодатли қилишдек муқаддас ва залвори кенг вазифаларни бажарадиган баркамол авлодни шакллантириш давр талабидир. Бу борада эса бизга мутафаккирлардан қолган маънавий мерос катта ёрдам беради.

Уларнинг маънавий меросида қомил инсон ғояси, баркамол авлод тарбияси, жамиятда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш муаммоси алоҳида ўрин тутди. Бу борада қадимий манба ҳисобланган «Авесто» асари, Имом Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абулқосим Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккирларимизнинг маънавий-ахлоқий таълимотлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Аждодларимизнинг буюк маънавий мероси бўлган, ўзининг фалсафий ғоялари билан бугунги кунга қадар хизмат қилиб келаётган «Авесто»дан бошлаб одил жамият қуриш, эзгуликни улуғловчи ва қабоҳатни қораловчи фалсафий, мафкуравий мушоҳадалар, поклик ва яхшиликдан сабоқ берувчи ғоялар жамият ва инсон ҳаётининг омили экани ёрқин ифодаланган. Бу эса, «Авесто»нинг миллий ғоя ва мафкурамизнинг асосларидан бири - миллий меросимизнинг мустақамланишига ҳисса қўшувчи дастлабки манба эканлигини исботлайди. «Авесто»даги онтологик, гносеологик таълимотлар, пантеистик қарашларда яхши ният, адолат, диёнат, қудрат, ирода каби сифатлар акс этган. «Авесто»дан кейин уч минг йиллик тараққиётни босиб ўтган инсон тафаккури демократик тараққиёт ва унга олиб келувчи ғояларга ана шу китобнинг моҳиятида ётган маънавий стимуллар орқали етиб келди. Улар моддийлик ва маънавийликнинг уйғун ҳолда ривожланиши, тараққиёти ва келажаги учун гаров бўлган омилар сифатида роль ўйнайди.

Мутафаккир боболаримиз асарларида инсон ва унинг маънавий олами жамият ҳаётининг устувор амаллари сифатида қаралади. Шарқ мутафаккирлари ал-Фаробий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожибларнинг қарашларида одил жамият қуриш ҳақидаги ғояларнинг шаклланишига

инсон ҳаёти ва камолотидаги дастлабки илмий-фалсафий кўриниши турлича талкин этилади. Жумладан, Форобий миллий ғоя ва мафкуранинг асосий манбаларидан бўлган қадриятлар тизимига қиравчи – фозил давлат, адолатпарварлик, тенг ҳуқуқлилик каби фазилат ва хусусиятлари ҳақидаги ўзининг фикрларини билдиради [2:160] Абу Наср Форобий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиши, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади, дейди. Ана шу жараёнда инсонда фазилатларни камол топтириш ҳақида таъкидлаб қуйидаги фикрларни илгари суради, «Инсон фазилатлар билан камолотга етади ва камолотга етган одам бахтли ҳисобланади» [3:38].

Абу Райхон Беруний инсон тарбиясига салбий таъсир қилувчи иллатлар ҳақида фикр юрита туриб, улар кўп ҳолларда ёвуз ниятда қилинишини қайд этади [4:68].

Унга ҳамоҳанг тарзда Ибн Сино эса бундай иллатларни бартараф этишда тарбия омилига таянишни таъкидлайди. Ибн Сино «Инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади. Қонуншунос эса бу қоидаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради» [5:478], деб ҳисоблайди. Демак, ҳар қандай жамият, давлат маълум адолатни ҳимоя этувчи ҳуқуқий қонунлар асосида идора этилиши, адолатсизликка йўл қўймаслиги керак ва шундагина миллат буюкликка эришади [6:486-6], деган фикрларни илгари суради.

Юсуф Хос Ҳожиб «Камолотга етиш йўли иккита: билим олиш ва ибрат ўрганиш» [7:103], – деб инсон маънавий-ахлоқий онгининг фалсафий моҳиятини очиб беради. У ўз давридаги одил жамиятнинг сиёсий-иқтисодий тизимини бирма-бир таърифлаб, унда миллат бирлигини жамият ва давлат тараққиётини таъминловчи куч деб эътироф этади.

Баркамол инсонни тарбиялаш, адолатпарварлик, инсонпарварлик ҳақидаги ғоялар Темур ва темурийлар даврида ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлган. Амир Темур давлат тизимини мустақамлашга, майда ва тарқоқ феодалликларни бирлаштиришга ҳаракат қилди ва шу аснода адолатли жамият барпо этишнинг ўзига хос кўринишини яратди [8:81].

Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» ёшлар онгига таъсир қила оладиган тарғибот воситаси ҳисобланади. Унда соҳибқирон кадрлаган, ҳаётда ўзи амал қилган ва атрофидаги барча инсонларга тавсия этган инсоний фазилатлар ҳақида нодир фикрлар битилган. «Темур тузуклари»да эзгу фазилатли шахсларни кадрлаш билан биргаликда, иллатларни касб қилган инсонларни тартибга чақиргани ва агар уддалаб бўлмаса, жазо қўлангани ёзилади.

Таниқли педагог олимларимиздан Муҳаммаджон Қуронов Амир Темур ҳақида ёзар экан, Соҳибқирон